



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда "Аёллар дафтари"ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш; хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш; ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш; турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қилиш, илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш чораларини кўриш; ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллалардаги "Аёллар маслаҳат кенгашлари" фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий қўмаклашиш;

"Аёллар дафтари" билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

2. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ.М.Рафиков) жойларга чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда ишларни ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида ташкил этиши белгилаб қўйилсин:

▶ Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

БУ ЙЎЛЛАР НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАДИ

Дунё андозаларига мос, кенг автомобиль йўлларини қуриш учун миллиардлаб маблағ, юзлаб ишчи кучи зарурлигини соҳа вакиллари, айниқса, қурувчилар яхши билади. Жаҳон тажрибасида ҳам йўлларни барпо этиш кўп харажат талаб этадиган юмуш ҳисобланади. Охириги йилларда юртимизда кенг ва раvon магистраллар, энг сўнгги технологик ютуқларни ўзида мужассам этган мухташам кўприклар, ер ости ва ер усти йўлларини қуриш қўлами ва сифати ортиб бормоқда.



Бу борадаги йирик лойиҳалар, ўз навбатида, соҳага янги изланишларни татиқ этиш, энг замонавий технологиялардан фойдаланиш, сифатли ва энергия

тежамкор йўл қурилиш материалларини маҳаллийлаштиришга йўл очмоқда. Тошкент вилоятининг Қибрай ҳамда Юқори Чирчиқ туманларидан ўтувчи

19,2 километр узунликдаги янги автомобиль йўли ана шундай илғор ёндашувлар асосида барпо этилди.

▶ Давоми 3-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ: барқарор даромад ва унумдорлик кафолати



Баҳром ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Пиллачилик ва
қорақўлчиликни ривожлантириш
қўмитаси раиси

Қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик тармоғининг жадал ривожланишига тизимли ва узоқ муддатли ёндашувга асосланган давлат қўмаксиз эришиб бўлмайди. Айнан давлат томонидан қўллаб-қувватланишга қаратилган комплекс чоралар аграр соҳада товар ишлаб чиқарувчига рентабеллиكنинг зарур даражасини таъминлаш имконини беради. Бу, айниқса, қорақўлчилик учун муҳим. Чунки нисбатан камхараж ва шу билан бирга, катта даромад келтирадиган бу тармоқнинг салоҳияти тўлиқ рўёбга чиқиши учун тадбиркорларга молиявий ресурслардан тортиб, ташкилий ишларгача давлат томонидан қўмак берилиши соҳа ривожига муҳим омил бўлади.

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган "Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада соҳа учун шу пайтгача мисли қўрилмаган имкониятлар эшигини очди.

Унга кўра, 2021 йил 1 мартдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қўнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик

субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилади. Қорақўлчилик тармоғи учун бу жуда муҳим. Чунки кластер раҳбарлари бўлган тадбиркорларга майда шохли молларга доимий равишда ем етказиб бериш, ветеринария тадбирларини ўтказиш, шунингдек, жун ва гўштни қайта ишлаш корхоналарининг узлуксиз ишини таъминлашга айланма маблағлар доимий равишда керак бўлади. Қолаверса, янги лойиҳаларни йўлга қўйиш борасида пайдо бўлаётган имкониятларни ҳам қўлдан бой бериш ярамайди.

Бундан ташқари, янги қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланди. Эндиликда улар озуқабоп экинлар етиштирувчилар қатори ажратиладиган лалми ва яйлов ер участкаларига томчилатиш ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Уларга мазкур ер участкаларида сугориш тик қудуқларини бурғилашга ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан субсидия берилади. Бунда субсидия харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳисобидан қопланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан озуқабоп экинлар етиштирувчиларга томчилатиш ва ёмғирлатиб сугориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун 5 йилгача муддатга ажратиладиган кредитларнинг валюта туридан қатъи назар, бир гектарга эквиваленти 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ кредит ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда қопланади.

▶ Давоми 2-бетда

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни “ОППОҚ ДУРРАСИДА ОҚАРАР ТОНГЛАР...”



Элнинг қизи бўлган замонамиз қаҳрамонининг қалб оламига теран кўз билан боқилишига кўнгилмишда қанчалик меҳр ийса, шунчалик даражада оғриқ ҳам симиллайди. Бу оғриқ жуда-жуда узоқ замонлардан, эл хизматига умрини бахшида этиб, боғ кўқартирган метин иродали момоларимизнинг машаққатли ҳаёти, аччиқ қисматига ҳамоҳанг. Тўмарис момоимизга хос жасорат билан эл ичидан ҳурмат топган аёллар кўп.

▶ 5-бетга қаранг.

МУНОСАБАТ

ИПОТЕКА БОЗОРИДАГИ ЯНГИЧА ТАМОЙИЛЛАР АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАЛАШДА МУҲИМ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ОЧАДИ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси спикери ўринбосари

3 март куни Президентимиз раислигида уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, мамлакатимизда ўтган тўрт йилда давлат дастурлари асосида 140 минг ёки йилга ўртача 35 минг уй-жой барпо этилган. Бу олдинги йилларда қурилган ўртача уй-жойдан 4-5 баравар кўп бўлса-да, мавжуд эҳтиёжларга мос эмаслиги таъкидланди. Президентимизнинг таъкидлашича, мамлакатимиз аҳолисининг уй-жойга

бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун йилга камида 100-150 мингта уй-жой қуриш керак. Инсон улғаяр экан, оила қураб экан, унинг ҳаётини эҳтиёжлари ҳам ортиб бораверади. Улар орасида энг асосийси, ўз уй-жойига эга бўлишдир.

Афсуски, бу орзуга етиш осон бўлмай қолди. Қурилиш материалларининг қимматлиги, тайёр уй-жойларнинг нархи осмонга сапчиб кетгани одамларнинг уй қуриш, сотиб олиш имкониятларини чеклаб қўйди. Мамлакатимиз аҳолиси сони эса йил сайин ўсиб бормоқда. Уй-жой қурилишида ушбу омил инобатга олинмагани, соҳа ва ипотека бозорини ривожлантириш чоралари ўз вақтида қўрилмагани оқибатида юрдошларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қоплаш жиддий муаммага айланди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ
ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини уйма-уй юриш орқали ўрганиш ишларини ташкил этиш, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарларининг аёллар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил қилиш;

“Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шaroити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш;

сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот беришни йўлга қўйиш;

муҳтож хотин-қизларни санаториялар, даволаш-профилактика муассасаларида соғлигини тиклаш, ички туризм учун яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда саёҳат ва дам олишларини ташкиллаштириш;

юқоридаги масалалар юзасидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, марказий ва маҳаллий телевидениеда кўрсатувлар ва чиқишларни ташкиллаштириш.

3. Хотин-қизларни ва oilани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси **Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) сифатида қайта ташкил этилсин ва **унинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз oilада тарбиялаётган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалонини тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шaroитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва қўникмаларни эгаллашлари учун зарур шaroитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашиш.

Белгилаб қўйилсинки, Республика кенгаши (Т.К.Нарбаева, Қ.М.Рафиков) **Жамғарма маблағлари харажатлари параметрларини тасдиқлайди, маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича доимий мониторинг ўрнатади.**

4. Қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

Республика кенгашининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, ҳар йили **300 миллиард** сўмгача бўлган миқдорда ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланадиган Давлат бюджетни маблағлари; Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5.Белгилансинки:

а) Жамғарма ҳар йили АТ “Халқ банки”га **100 миллиард сўм** миқдоридagi маблағларни 2021 йилда Марказий банкнинг асосий ставкасида 4 фоиз паст ставкада, 2022 йилдан бошлаб эса Марказий банкнинг асосий ставкасида йўналтиради;

б) қуйидаги дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга мазкур маблағлар ҳисобидан туман (шаҳар) маҳалла ва oilани

қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари тавсиясига кўра, **тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилгача** муддат ва **6 ойгача** имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг **150 баравари**гача бўлган миқдорда кредитлар ажратилади;

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар асосида ташкил этилган ўқув курсларини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ҳамда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг махсус ўқитиш дастурларини;

в) ажратиладиган кредитлар, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар **Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида**, 2022 йил 1 январдан тижорат банки томонидан бозор тамойиллари асосида **мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда** берилади. Бунда, тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini компенсация қилиш механизми қўлланилади;

г) Хотин-қизлар ва oilани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармасига ва “Маҳалла ва oilа” институтига Давлат бюджетдан ажратиб келинган маблағлар 2021 йилдан бошлаб Молия вазирлиги томонидан тўғридан тўғри “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармасига ва “Маҳалла ва oilа” институтига ажратилади.

6.Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов):

а) 2021 йилда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида, уларга **ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун** Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига;

нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга — **10 миллиард сўмдан**;

отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга — **5 миллиард сўмдан** маблағ ажратсин;

б) бир ҳафта муддатда аёллар муаммоларини тизимли ва манзилли равишда ўрганиш ва ҳал этиш доирасида шакллантирилган **махсус жарроҳлик амалиётлари ўтказиш орқали даволанишга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхати**даги ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизларнинг даволаниши учун Жамғармага **30 миллиард сўм** йўналтирсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан жами **240 миллиард сўм** йўналтирилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари:

2021 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парварishiга муҳтож хотин-қизларга бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатиш учун **80 миллиард сўм**, шунингдек, нотурар жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларга турар жой ижараси компенсациясини тўлаш учун **11 миллиард сўм**;

ҳар чоракда маҳаллий бюджет прогнозининг орттича бажарилган қисмининг **камида 15 фоизини** “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирсин.

Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) 2021 йилда мажбурий ундирувлар ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига **150 миллиард сўм** маблағ йўналтирилишини таъминласин.

8. Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова) Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар** мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган маблағлар йўналтириладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириб, тўловларни амалга оширишни бошласин.

Республика кенгаши (Т.К.Нарбаева, Қ.М.Рафиков) ушбу маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб босин.

9. Республика “Хўнарманд” уюшмаси (У.Т.Абдуллаев) Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хотин-қизларни хўнармандчиликка жалб этиш чора-тадбирларини амалга оширсин. Бунда:

2021 йил мобайнида ҳар бир ҳудудда, асосан, хотин-қизлар фаолият юритадиган хўнармандчилик турларига ихтисослашган **кластерлар** фаолияти тажриба сифатида жорий этилади;

ушбу кластерлар хўнармандчилик маҳсулотлари учун хомашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини қамраб олади, шунингдек, кластерлар устав капиталининг **50 фоизи** тенг улушларда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, қолган **50 фоизи** хўнармандларнинг ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилади.

10.Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

“Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни самарали юритиш, ишсиз фуқароларга бандлик соҳасида тизимли ёрдам кўрсатиш ҳамда “маҳаллабай” тизим асосида ишларни ташкил қилиш мақсадида ҳар бир маҳаллада **меҳнат инспекторига “жамоатчи ёрдамчи”ларни жалб этиш**; “жамоатчи ёрдамчи”лар билан 11 ой муддатгача жамоат шартномалари тузиш ҳамда уларнинг иш ҳақини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир ярим баравари миқдорига белгилаш;

“жамоатчи ёрдамчи”ларнинг иш ҳақини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) **бир ой муддатда**:

ўз тасарруфига ўтаётган касб-ҳунар таълим муассасаларининг бўш турган қисmini тадбиркорлик субъектларига ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун 30 йилгача бўлган муддатга имтиёзли **ижарага бериш тартибини**; хотин-қизлар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 3 ой мобайнида уларга берилган бўш турган биноларнинг ижара тўловларини Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган миқдорда тўлаб бериш, шунингдек, бўш турган биноларни **1 йилгача бўлган муддатда** имтиёзли равишда ижарага бериш тартибини жорий этсин.

12. Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова) **бир ой муддатда**:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида **грантларни эълон қилсин**;

Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларини аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган даъво аризалари бўйича **давлат божидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (С.Б.Ортиқова), Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил якунига қадар **Зўрлик ишлатишдан қайиб бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва**

мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўрсин. Бунда:

бир ой муддатда барча ҳудудларда зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш бўйича **биттадан намунавий марказлар** ташкил қилинсин;

ушбу **намунавий марказлар** фаолиятини йўлга қўйиш учун Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан жами **10 миллиард сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларидан маблағлар йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги ПҚ – 4749-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ – 6155-сон Фармони мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд oilалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони икки бараварга ошириш орқали **икки мингтага** етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома беришда “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган oilаларнинг қиш фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратсин.

15. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, **ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилсин. Бунда, ўқиш учун тўлов пуллари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **100 нафардан хотин-қизлар** учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан;

молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг Кенгаши қарорига асосан **50 нафаргача хотин-қизлар** учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўллаб берилади.

16. Мактабгача таълим вазирлиги (А.В.Шин):

а) **бир ой муддатда** Молия вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин: ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли рўйхатга киритиш орқали қабул қилиш;

боқувчисини йўқотган аёлларга фарзандини мактабгача таълим ташкилотлари, шу жумладан, oilавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига бериш харажатларини бюджетдан қоплаш;

б) Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда боланинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини янада кенгайтириш мақсадида маҳаллаларда бўш турган ва фойдаланилмаётган бинолар (хоналар)ни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар рўйхатини шакллантирсин;

2021 йил якунига қадар мактабгача таълимга эҳтиёж мавжуд бўлган маҳаллаларда, шу жумладан, қишлоқ жойларида мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ташкил қилиш ва уларни зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ:
барқарор даромад ва унумдорлик кафолати

Бошланиши 1-бетда

Бу эса тадбиркорлар олган кредитларини ойма-ой муаммосиз қоплаб боришига имкон беради. Демак, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз ҳудудларида озуқабоп экинлар етиштириб, озуқа базасини доимий равишда мустаҳкамлаб бориши, айниқса, қорақўлчиликда самарадорлиқни таъминлайди.

2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар насличлик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлиқ учун солиқ ставкаси 50-фоиз миқдориди қўлланилади. Қорақўлчиликни ривожлантириш учун қарорнинг бу банди муҳим аҳамият касб этади. Чунки сўнгги йилларда қатор вилоятларда ташкил этилган қорақўл зотли қўйларнинг сур ранги, қора ва қўқ ранги бўйича юқори элита синфли наслдор қорақўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган Илмий-насличлик тажриба

станциялари фаолияти селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, насли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланишда алоҳида ўрин тутмоқда. Уларнинг, шунингдек, насличлик хўжаликлари мақомига эга субъектларнинг ушбу имтиёزلардан келгуси уч йил мобайнида фойдаланиши натижасида бўшаган ва ўз ёнларига қолган маблағлардан фойдаланган ҳолда, асосий фаолиятини кенгайтиришларида хизмат қилади. Бунинг натижасида қорақўлчиликда насличлик базасининг мустаҳкамланиши эса қорақўлчилик кластерларининг рентабеллигини оширишни ва тармоқнинг тезкор ривожланишини таъминлайди.

Шунингдек, қарорда қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича ҳам имтиёзлар белгиланди. Хужжатнинг 3-бандига кўра, ўрнатиладиган тартибга мувофиқ, 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларидида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм миқдоридида республика бюджетидан субсидия ажратилади. Ушбу бандда назарда тутилган субсидиялар қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд

бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган корхоналарга уларнинг субсидиялар олиш тўғрисидаги қарорларига асосан, кейинги ойнинг 25-санасигача ажратилади. Бу жуда муҳим, чунки субсидиялаш чорвачилик хўжаликлари томонидан етиштирилаётган маҳсулот таннархи бандан бўлиб кетмаслиги, демакки, уларнинг бозор шaroитида рақобатга дош беришни таъминлайди. Бу чора ҳам чорвадорлар, айниқса, қорақўлчилик билан шугулланувчи субъектлар учун шу пайтгача мисли қўрилмаган қўмак бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ҳам сўнгги йиллар

да шакллантирилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими-га хос комплекс ёндашув билан ажралиб туради. Чунки унда чорвачиликнинг барча тармоқлари муваффақиятли ишлаши учун зарур шaroитлар яратиш мақсад қилинган. Шу жиҳатдан, чорвачилик, жумладан, қорақўлчиликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши нафақат тармоқда ишлаб чиқариш ва молиявий, ижтимоий салоҳиятнинг тўлиқ ишга солиш, балки камбағалликни қисқартириш, мамлакатимизнинг озқ-овқат хавфсизлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

Бу йўллар нурафшон манзилларга элтади



Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг 2018 йил 3 январдаги “Тошкент-Шарқий” аэродроми негизига фуқаро (иш) авиациясининг замонавий аэропорт комплекси қурилиши” лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида қурилиши бошланган ушбу магистралнинг асосий босқичи яқунлаб, 2020 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди.

Авваллари бу жойда на транспорт, на пиёдалар йўли бўлган. Аҳоли Тошкент шаҳрининг Махтумқули кўчасидан то Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманигача бориш учун айланма йўл орқали 20 километр масофани босиб ўтарди. Автомобиль йўлидаги тирбандликлар туфайли одамлар кўп вақт йўқотар, манзилга, ҳам деганда, 45-50 дақиқада етиб борарди.

Чирчиқ дарёси устидан ўтган янги йўл қурилиши барча муаммоларга ечим бўлди. 20 километрлик масофа 11 километр қисқарди. Одамлар узоқ йиллар кутган, топширилишини катта қувонч билан қарши олган бу йўл юрдошларимизнинг ҳам вақти, ҳам нақдини тежашга хизмат қилпти. Автоуловлар соҳибларининг узоқ масофа,



тирбандликлар сабаб сарфланадиган ёқилгиси сезиларли даражада тежалмоқда. Муҳими, текис ва равон, ҳам сифат, ҳам кўриниши жиҳатидан ривожланган давлатларникидан қолишмайдиган ушбу магистрал ҳар куни минглаб кишиларнинг узогини яқин қилиб, 10-15 дақиқада манзилларига етиши учун имкон яратяпти.

Эскича қолиплардан воз кечиб...

Машинада ушбу йўлдан кетиб борар экансиз, унинг текис ва равонлиги чор-атрофдаги гўзал манзараларга уйғунлашиб, завқингизни оширади. Шу боис, трассанинг у бошидан бу бошига қандай етиб келганингизни ҳам сезмай қоласиз. Табиийки, йўлсозларнинг эзгу меҳнатидан миннатдор бўласиз.

Бундай йирик лойиҳалар осонгина амалга ошмайди. Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат қўмитасининг “Йўл лойиҳа бюроси” МЧЖ ходимлари ҳам янги йўл лойиҳаси устида қўнларни тунларга улаб, кунт ва ижодкорлик билан ишлашига тўғри келди. Жамият мутахассиси Беҳзод Холиқовнинг айтишича, иш жараёнида бир қанча лойиҳа-

лар қўриб чиқилиб, улар орасидан энг мақбули танлаб олинган. Техник кўрсаткичларига кўра, бу йўл 6 тасмали, магистрал тартибга солинган кўча ҳисобланади. Ҳар бир тасманинг ўтказиш қобилияти шаҳар кўчаларидаги каби соатига 600-1200 тагача транспорт воситаси қатновини назарда тутати. Бу кўрсаткич вақт ва шароитга қараб ўзгариб туради. Йўлнинг ҳаракат жадаллиги юқори бўлгани ҳолда, машинанинг ҳар бир ўқига 13 тоннадан юк тушишига мослаштирилган. Авваллари йўл қурилишида 1 та ўққа 6 тонна юк тушиши ҳисобга олинганига эътибор қаратсак, янги йўлнинг имкониятлари анча кенглиги кўриниб турибди.

Айни кунда кишиларнинг манзилни яқин қилаётган мазкур йўл юзлаб йўлсозларнинг машаққатли меҳнати эвазига барпо этилди. Бош пудратчи ташкилот — Тошкент кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси (КФУК) талаби билан жараёнга 500 дан ортиқ ишчи жалб қилинди. 200 дан ортиқ машина-механизм, 100 дан зиёд махсус техникадан фойдаланилди. Ахир, ишчи кучи қанча кўп бўлмасин, йўлга тош-бетон, йирик донали асфальт-бетон ётқи-зиш каби мураккаб ишларни техника воситаларисиз замонавий талаблар асосида бажариб бўлмайди-да.

Бу галги йўл қурилишида янгича ёндашув, илгор технологияларга алоҳида ургу берилди. Эскириб қолган қурилиш меъёрларига ўзгартиришлар киритилиб, доим қўлланиладиган “қолиплар”дан воз кечилди. Бу эса иш унумдорлиги, сифат ва тежамкорликни янада оширди.

Хусусан, йўл асосига одатдагидек 10 сантиметр эмас, балки 18 сантиметр қалинликдаги бетон ётқизилди. Қурилиш материалларининг 90 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилгани ҳам импоррга сарфланадиган катта маблағни ўзимизда олиб қолишга хизмат қилди.

Тажриба тариқасида йўлнинг икки томонига рангли пластик тўсиқлар ўрнатилиши соҳадаги янгилликлардан яна бири. Маҳсулот Жанубий Корея технологияси асосида “Корейс транс” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилди. Хорижда аллақачон синовдан ўтиб, кенг фойдаланилаётган мазкур қурилиш materiali пишиқлик ва мустаҳкамлик борасида металл тўсиқлардан қолишмайди.

— Полиэтилендан тайёрланган тўсиқлар синмайди, зарбага бардошли. Енгил бўлгани боис, транспортда ташини ҳаражатлари камроқ, — дейди Тошкент кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси директори ўринбосари Акмал Муродов. — Металл тўсиқларга нисбатан анча арзон бўлиши билан бирга, тез-тез ювиш, муайян вақтда бўяб туриш каби ортиқча қаровни талаб

“ Янги тушган йўл кечқурун янада ёруғ, нурафшон манзилга айланади. Тунда ундан ўтадиган транспорт воситалари йўлини турнақатор терилган 1 400 та чироқ ёритиб туради. Ёриткичлар таянчлари ораси ҳам мақбуллаштирилган. Уларнинг оралик масофаси 40 ёки 20 метр эмас, ўртача 30 метрни ташкил этади.



этмайди. Автомобиль келиб урилганда, тўсиқ уни нариги тарафга йўналтириб, ўзининг мустаҳкамлиги билан қайтариб юборади. Бундай тўсиқларнинг энг асосий афзаллиги — эскирганидан кейин уни майдалаб, янгидан шундай маҳсулотлар ёки бошқа ашёлар ишлаб чиқариш мумкин. Ҳозир бундай тўсиқлар синов тариқасида ўрнатилган бўлиб, кутилган натижани берса, келгусида ундан бошқа йўллар қурилишида ҳам кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Юртимизда катта ҳажмдаги пластик чиқиндилар мавжудлигини ҳисобга олсак, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятининг истиқболли экани кўринади.

Йўлнинг асос қисмига 2 қатламли асфальт-бетон ётқизилиши унинг мустаҳкамлигини оширган. Бунинг учун цемент билан мустаҳкамланган қоришма ёки босиб зичланадиган бетондан фойдаланилди. Қурувчиларнинг айтишича, унга анча камроқ цемент сарфланади. Яъни одатий бетонларнинг 1 метр кубига 400-420 килограмм цемент қўшилса, босиб зичланадиган бетон қопламаси учун 100-150 килограмм цемент етарли бўлади. Айни пайтда жаҳонда оммалашиб бораётган бу қурилиш материалидан, айниқса, Германия, Ҳиндистон, АКШда кенг фойдаланилмоқда. Юртимизда ҳам қўлланила бошлаган мазкур технология замонавий механизациялаш босқичига ўтишининг фаол кўринишларидан бири бўлиб, иш унумдорлигини бир неча баробар оширади. Заводдан чиққан бетон қоришмани зичлаб, йўлга ётқи-зиш жараёнларини тўлиқ техника бажариши ҳисобига ишчи кучи ҳам тежаллади.

Хавфсизлик учун энг мақбул танлов

Барча соҳаларда илм-фан ва инновациянинг уйғунлиги муваффақиятлар сари йўл очиб бораверади. Транспорт йўллари қурилишида жаҳон тажрибасини миридан-сиригача ўрганган лойиҳачи ташкилотгина халқаро стандартларга мослашиб ишлаш олади. Ана шундай мезонлар асосида фаолият кўрсатишга “Йўл лойиҳа бюроси” мутахассислари, аввало, ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида тасмалар кенглигини қисқартирди. Яъни белгиланган қаторлар кенглиги одатдаги 3,75 метрдан 3,5 метрга туширилди.

— Аксарият йўлларимизда тасмалар 3,75 метр кенгликда бўлгани боис, қўнмача ўша ерда турган автомобиль ёнига бошқаси ҳам келиб қўшилади, — дейди

Беҳзод Холиқов. — Боиси, енгил машинанинг кенглиги ўртача 1,80 метр, автобусларники эса 2,5 метр эканини ҳисобга олсак, одатий тасмалар кенглиги битта автоулов учун катталик қилади ва бундан бошқалар фойдаланишга уринади. Натижада шу жойнинг ўзида тирбандлик юзага келиб, чорраҳанинг ўтказиш қобилияти тушиб кетади. Автоҳалокат содир бўлиш эҳтимоли янада ортади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, йўл тасмалари кенглиги 3,5 метр бўлишига қарор қилдик. Бу тажриба Европада ҳам оммалашган. Уларда ҳатто 2,75-3,25 метр кенгликдаги йўл тасмалари ҳам бор. Бироқ 3,5 метр кенглик энг мақбул танлов сифатида кўпроқ қўлланилади.

Қурилиш жараёнида илгор технологиялар, замонавий техникадан фойдаланилгани ҳисобига йўлнинг равонлиги ҳам анча ошган. Бунга кўпроқ йўл асос қатламини текислашга хизмат қиладиган қум-шағал аралашмаси ёки цемент билан мустаҳкамланган қоришманинг янгича усулда — асфальт ётқи-зиг ёрдамида ётқи-зилгани сабаб бўлди. Бу ҳам янги қўлланилаётган технологиялардан бири бўлиб, у авваллари автогрейдер ёки бульдозер ёрдамида амалга оширилган. Жараёнда қопламанинг нотекис жойга нотекис тушуши ҳолатлари кўп кузатилган. Янги усулда эса қоришма аниқ қалинлик ва нишабликларда текис жойлашади. Натижада йўлнинг текис ва равонлиги таъминланади.

Қурилиш жараёнида Чирчиқ дарёси устида муҳташам кўприк ҳам қад ростлади. Бош пудратчи ташкилот — “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидagi “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган кўприкнинг умумий узунлиги 256, ўртача баландлиги 8,5, кенглиги эса 30 метрга тенг.

Дунё тажрибасида кўприқ қуришдаги асосий талаблардан бири — уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳисобланади. Қурувчиларимиз ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, жараёнда пишиқ, чидамли материаллардан фойдаланди. Уларни жой-жойига қилибдек туширишга замонавий техникалар жалб қилинди. “Халққа узоқ йиллар сифатли хизмат қилсин”, деган яхши ниятлар билан қурилган маҳобатли кўприкни 7 та мустаҳкам таянч-устун тутиб турибди.

Бугун Чирчиқ дарёси устидан ўтган замонавий йўлдан ҳаракатланган инсон борики, узоғи яқин бўлгани, манзилга тез ва енгил етиб бораётганини тўқинлашиб гапиряётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, асосий трасса бўйида қурилган 6,5 километрли велосипед йўлаг

ҳамда пиёдалар йўлкачалари ҳудуд аҳолиси учун катта қўлайлик яратди. Уларнинг четида ўрнатилган пластик тўсиқлар турили кўнгилсиз ҳодисалардан асрашга хизмат қилади.

Магистрал атрофида олиб борилган кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам кишининг баҳри дилини очади. Йўл бўйлаб экилган 50 турдаги манзарали дарахтларнинг кўпи хориждан олиб келинган бўлса-да, маҳаллий шароитимизга мослаштирилган. Ниҳол ҳолида келтирилган дарахтларни парваришлаган корхоналар эндиликда уларни қўлайитириш устида ҳам иш олиб борапти. Келгусида барча ҳудудларда ана шундай дарахтларни экиш кўзда тутилмоқда.

Бу йўл яқин келажақда юртимизнинг улғувор режаларига ҳам қамарбаста бўлади, десак муболағга йўйманг. Президентимиз жорий йилнинг 25 февраль куни Тошкент вилоятида амалга оширилладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдими то чоғида “Тошкент-Шарқий” аэродроми яқинида 155 гектарли бог барпо этиш лойиҳаси билан ҳам танишди. Бу ерда аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган “яшил ҳудуд” яратилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур богнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Осиё Олимпия кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкентда ўтказилади. Шу мақсадда 160 гектар майдонда Олимпия шаҳарчаси қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Чирчиқ дарёсининг 5 километрдан зиёд қисмида қироқларни тартибга келтириб, эшакка эшиш мусобақалари учун зарур шароит яратиш мўлжалланган. Унинг бўйларида эса 270 гектарли парк барпо этилади.

Агар ана шу лойиҳалар тарҳига эътибор қаратсангиз, уларга яқин жойдан ўқилдиқ каби биз ҳиқоя қилаётган йўл ўтганига гувоҳ бўласиз. Демак, унинг истиқболдаги хизмат қўлами ва аҳамияти янада ошиб бораверади.

Янги тушган йўл кечқурун янада ёруғ, нурафшон манзилга айланади. Тунда ундан ўтадиган транспорт воситалари йўлини турнақатор терилган 1 400 та чироқ ёритиб туради. Ёриткичлар таянчлари ораси ҳам мақбуллаштирилган. Уларнинг оралик масофаси 40 ёки 20 метр эмас, ўртача 30 метрни ташкил этади. Замонавий, ўта тежамкор тунги чироқлар йўллар сингари одамларнинг қалбларига ҳам ёруғлик олиб кириб, дилпардида розилик, шукроналик ҳисларини мавжлантираётгани ҳам бор гап.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУНОСАБАТ

ИПОТЕКА БОЗОРИДАГИ ЯНГИЧА ТАМОЙИЛЛАР АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАЛАШДА МУҲИМ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ОЧАДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид янги фармон тайёрлангани маълум қилинди. Фармонда аҳолининг барча қатламини уй-жой билан таъминлаш ва бу борада уларнинг танлаш имкониятини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, оғир турмуш шароитига тушиб, бошпанасиз қолган 1 мингта оила, айниқса, аёлларга “ижтимоий уй-жойлар” ижара асосида ажратилади.

Жорий йилда уй-жой қурилиши учун ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга давлат томонидан катта имтиёзлар берилиши айтиб ўтилди. Хусусан, ипотека кредити бўйича 6 ойлик имтиёзли давр киритилади. Шаҳарларда дастлабки бадал миқдори 20 фоиздан 15 фоизга туширилади. Паст даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 15 фоизлик дастлабки бадалнинг

10 фоизи субсидия сифатида тўлаб берилади. Яъни аҳоли уй олиш учун дастлабки бадалнинг 5 фоизини тўлайди, холос. Кредит олган аҳоли учун фоиз тўловларининг Тошкент шаҳрида 12 фоизи, бошқа ҳудудларда 10 фоиздан юқори қисмига субсидия берилади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир тақлиф қўллаб юрдошларимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Бу яқка тартибда уйлар қуришга доир масала бўлиб, унга кўра, ўтган йилги Андижон тажрибасидан келиб ажратилиш тизими йўлга қўйилади. Яъни кредит бир йиллик имтиёзли давр билан 20 йилга ажратилиб (ўртача 240 миллион сўм), эҳтиёжманд аҳоли учун фоизнинг бир қисми субсидия сифатида давлат томонидан тўлаб берилади. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, мазкур тизим асосида кредитлар жорий йилда ҳар бир вилоятда камидан 500 тадан хонадонга ажратилади.

Уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида қурувчи ташкилотлар ҳам қўллаб-қувватланади. Жумладан, ипотека пандемия даврида берилган имтиёзлар 2021 йил якунигача узайтирилади. Бундан ташқари, уларга Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан уй-жой қуриш учун жалб қилинган кредитлар бўйича 20 миллиард сўмгача кафилилик ҳамда Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмига компенсация берилади.

Давлатимиз раҳбари уй-жойларнинг нархи қиммат бўлиб кетмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Уй-жой сотиб олиш туғул, унинг дастлабки бадалини тўлашга қурб етмайдиган юрдошларимиз сони оз эмаслиги рост гап. Шу боис, Президентимиз вилоят ва туман ҳокимлари бир квадрат метр уй нарҳини 4 миллион сўмдан оширмаслик учун барча зарур чораларни кўриши ҳақида топшириқ берди.

Йиғилишда берилаётган имтиёзлар, қурилган уй-жойлар ҳақиқий эҳтиёжмандларга берилишини таъминлаш мақсадида маҳаллий кенгаш депутатлари, жамоат фаоллари иштирокида “халқпарвар комиссия” ташкил этиш тақлифи билдирилди. Улар қурувчиға ернинг адолатли ажратилиши, имтиёзга мос эҳтиёжманд оилалар рўйхатининг шаклланиши ва қурилишлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда аҳоли учун уй-жой қурилиши, бу йўналишда эҳтиёжманд оилалар, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида мулқало янгича тизим йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида йиллар давомида ўз уйи, ўз бошпанасига эга бўлиш ниятида яшаган оилаларнинг ораси ушалди. Минглаб оилаларга қувонч, шодлик, халқпарвар сиёсатдан шукроналик ҳисси кириб боради. Бу эса Президентимиз сиёсатининг бош мақсади бўлган — халқни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар борасидаги муҳим қадам бўлади.



Ҳамми йўлдошлар олган суратлар



8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni

МЕХНАТДАН ҚАДОҚ ҚЎЛЛАРИНГИЗ ОЛТИН БЎЛСИН!

Тоғ бурғиланади. Коннинг захчил йўлаклари бўйлаб очишроқ нимтатир туманлар тарқайди. Она еринин бурчак-бурчакларида, одамлардан узоқда жўш урадиган кон ҳаёти мудом шу тарзда давом этади. Ундаги ишчан ҳаёт тарзи эса ҳар куни қайсидир матонатли аёлнинг мурувватини тонг сахарга бураган соатининг жарангдор овозидан бошланиб, ярим тунда, аллақачон ухлаб қолган болалари ёнига оғир чарчоқда кириб бориши билан якунига этади...

Конда ишлаш ҳақида гап кетганда, унинг залворли меҳнати аёллар у ёқда турсин, унча-мунча эркакни сергак торттиради. Аммо турли соҳаларда ишлаб, билим ва тажрибаси, аёллик жасорати билан жамият ривожига ҳисса қўшиб келётган замонамизнинг қаҳрамон хотин-қизларини 20 та хавфли касбнинг бири бўлган қончиликда ҳам қўллаб уchrатамиз. Ҳар лаҳзада катта куч, оғир меҳнат билан ишласа-да, уларнинг самимий кулиб турган чехраларига қараб, улкан юраги, метин иродаси, жасорати ва фидойилигига тан берасан киши.

Заҳматларда тобланган умр

Кон фаолиятида дастлабки босқич бурғилашдан бошланади, дейдиганлар бировз янгилашади. Ахир тоғни бурғилаш учун даставвал сув таъминотида эҳтиёж сезилади. Бунда эса насос ускуналари машинистлари алоҳида ўрин тутди. Тоғ тепалигида жойлашган сув омборидан ҳар куни конга сув етказиб бериш осон иш эмас. Бу жараёнга қўпинча

ҳам бўлган. Ўшанда дарров кийимларимни алиштириб, яна ишга киришиб кетаверганман. Ишимиз оғир, даромадимиз жуда кам бўлган. Айрим вақтларда 500 сўмлик купон, 1 500 сўм ойлик маош олганмиз. Ёлғиз она бўлганим боис, ҳар куни уйда болаларимнинг ўзини қолдириб, эшикни қулфлаб кетардим. Ярим кечаси келиб, уларни тургазиб, қоринларини тўйгазиб, кейин ухлардим. Кун бўйи резина этикда оёқларим сув бўлиб, шишиб кетганидан уйга келиб йиғлардим. Шунча қийинчи-



эркаклар жалб қилинади. Аммо Ангрэн кон бошқармасига қарашли "Разведочная" қонида насос ускуналари машинисти бўлиб ишлаётган Хурсанбуви Турсунбоева ўз ишини уddалашда 4 нафар эркак шеригидан сира қолишмайди.

... Тоғ тепасигача йўл анча узоқ. Чамалаганда, 5-6 бекат чиқади. Конга йўналирилладиган сув омборигача бўлган йўл тепалик, тоғлар ораси бўлгани боис, у ерга машина ҳам қиқолмайди. Хурсанбуви опа мана, 10 йилдирки, ана шу йўлдан пиёда қатнаб, ҳар куни сувни конга ҳайдаш, омбор сигимини кўриш учун бир неча марталаб тоғ тепасига чиқиб келади. Насосларни термометрлари, сув ҳажмига қараб назорат қилиб боради. Пастдаги шахтага, конга ичимлик сув етказиб беради. Иш вақти тугаганида эса кун анча кеч бўлиб қолган, Хурсанбуви опа қоронғиликда, тоғларнинг орасидан пастда қутиб турган автобус томон тушиб келади. Ҳар онда Яратгандан оқ йўл тилаб, ўзига юклатилган вазифани астойдил бажаради.

Болалигида конда ишлаш ҳаёлида ҳам бўлмаган қаҳрамонимиз 17 ёшида мактабни тамомлагач, шифокор бўлишни орзу қилган эди. Ўзи ҳам шифокорлар оиласига келин бўлиб тушгани боис, шу соҳада таҳсил олишни ният қилган. Ўқишга киролмагач, Олмалик кон-металлургия комбинатида иш бошлади. Кейинроқ тақдирининг қутилмаган зарбалари тугайли шифокор бўлиш орзусини буткул унутди. 22 ёшида тасоддий ҳолда сараб турмуш ўртоғидан бева қолгач, 3 фарзандини ҳам ота, ҳам она бўлиб улғайтиришга, уларни оёққа тургазишга аҳд қилди. Қўнларни тунга улаб ишлади. Ҳеч бир оғир меҳнатдан қочмади. Охир-оқибат, коннинг бир бўлагига айланиб, ўзи ҳам шу касбсиз ҳаётини тасаввур этолмайдиган бўлиб қолди. Бир лаҳза бўлса-да, бошқа соҳада ишлаш ҳақида ўйламади. Салкам 33 йилдан буён у қондаги турли вазифаларда ишлаб, ҳамкасбларининг ҳурмати, эътирофига сазовор бўлиб келмокда.

— Инсонни улуғлайдиган ва унга зийнат берадиган фазилатлардан бири меҳнатдир. Айтишди-ку, одам учун икки буюк шифокор бор — бири катъийлик бўлса, яна бири меҳнат. Ахир дунёда осон ишининг ўзи йўқ, ҳар бир умушнинг оғири, машаққати бор, — дейди қаҳрамонимиз. — Конда ишлаш инсондан катта матонат талаб қилади. Йиллар давомида кўп қийинчиликлар кўрдим. Қўм тўла қувурлар ёрилиб кетиб, уст-бошим қўмга тўлган вақтлар

ликларга қарамай, қаноат қилганмиз, ишимизни севиб, астойдил меҳнат қилганмиз. Ўша кўнлар ўтиб кетишига, ёруғ ҳаётимиз олдиндалигига чин дилдан ишонардим. Мана, биз кутган кўнлар келди. Бугун конда ойликлар яхши, энг муҳими, ишчилар маошини ўз вақтида олади. Уларнинг ҳам ишлаши, ҳам дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Конда ишлайман, деган ёшлар ҳам оз эмас. Уларга астойдил меҳнат қилинлар, шунда даромаднинг ўзи келади, деб насихат қиламан.

Ғайрату шижоати юз-кўзи, дадил ҳаракатларида акс этиб турадиган Хурсанбуви опа исми жисмига мос аёл. Юзидан табассум аримайди. Атрофдагиларга доим яхши кайфият улашиб юради. Тинмай меҳнат қилади-ю, сира чарчадим, демайди. Бунга унинг мунтазам спорт билан шуғулланиши ҳам сабаб бўлса керак. Айтишларича, қаҳрамонимиз шу пайтга қадар бирор марта даволаниш таътилига ҳам чиққан эмас. Табиатан "оёқ узатиб ётишни" сира хушламайдиган бу аёл бетеб бўлиб қолганида ҳам ишга чиқиб, меҳнатдан куч олади. Аллоҳ соғлиқ берса, 60-70 ёшгача ишлашни ният қилади. Шунданми, касбдошлари унга ҳамиша "меҳнатдан қочмайди!", деган иккитагина жумла билан таъриф беради.

Умри давомида меҳнат ва саботни тўғ қилиб, ёлғиз ўзи 2 ўғил, бир қизни вояга етказган, уларни уйли-жойли қилиб, набиралар қурушида умргазаронлик қилаётган Хурсанбуви опа, ўзи айтганидек, бугун эришган бахтини меҳнатнинг қадок қўллари билан яратди. Бунда унга ота-онасининг дуолари йўлдош бўлди. Гарчи, отаси бевакат оламдан ўтган бўлса-да, аёлга унинг ўғиллари ҳамиша суячлик, бугун бир кам юз ёшни қаршилаган онасининг далдалари тиргак бўлди. Қариндошдек бўлиб кетган касбдошларининг қўллаб-қувватловидан куч олди. Раҳбари Нодир Рихсиқулов бошчилигидаги жамоадошларидан ҳам доим миннатдор.

Ҳар қандай машаққатнинг роҳати, мукофоти бўлади, деганлари бежиз эмас. Меҳнати, касбини ҳаётининг бир бўлаги, деб билган Хурсанбуви опанинг қўксини бугун "Меҳнат фахрийси" унвони безаб турибди. 2013 йилда ушбу унвон қўсига тақилганида, ютуқларини отаси кўрмаганидан ўқсиниб, йиғлаган бўлса, шундай қувончли кунда ёнида дуоғўй онаси, меҳрибон фарзандлари борлигига шўкрона келтирди.

Хурсанбуви опа тўрт мучаси соғлиги, усти бут, қорни тўқлигига шўкр айтиб, меҳнат қилаверади. "Ишлаган

одам камбағал ҳам бўлмайди, бировни ғийбат қилмайди, қалбида доим тозалик бўлади", дейди қаҳрамонимиз. Қанча қийинчиликлар кўрмасин, доим шўкрона билан яшаган бу аёл ана шу ҳақиқатни ҳаётини шioriга айлантирди. Зеро, меҳнат ва заҳмат зийнатлаган умр қиссаси шундай бўлса, ажабмас.

"Касб ҳаётининг бир бўлаги эмас, айнан ўзидир!"

Эрталаб ишга, кечкурун уйга шошадиган одам дунёдаги энг бахтли кимсасидир. Ана шундай инсонлардан бири Кенжагул Жусупбекова 17 ёшидан буён ҳар тонг Олмалик кон-металлургия комбинатига ошиқади. Фаолиятини шу ердаги 13-цехда бошлаган қаҳрамонимиз 33 йилдирки, ана шу конда касбига садоқат ва фидокорлик билан ишлаб келмокда. Аёлни излаган одам комбинатдаги водород-кислород цехидан топади. Бу ерда у смена устаси сифатида қўл остидаги 6 нафар ходимга иш ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туради.

Табиатда шундай нодир металллар борки, улар махсус ҳарорат ва шароитларда олинади. Масалан, вольфрам ва молибден каби нодир металллар 1500-1800 даража иссиқ ҳароратда эритилади. Бунда водород-кислороднинг аҳамияти жуда катта. Кенжагул опа ишлайдиган цехда дистерилланган сувни парчалаш ёрдамида водород-кислород олинади. Уларнинг хавф даражаси юқори бўлгани боис, жараёнда ишлаш ниҳоятда аниқлик, пухталиқ, текзорлик ва тажрибани талаб этади. Қаҳрамонимиз жамоаси билан биргаликда ана шу босқичларнинг кечишига, техникани бошқариб, ҳар соатда уларни ёзиб, таҳлил қилиб, цехларга етказиб беришга масъул. Қизини, Кенжагул опа буларнинг барини оғир ва хавфли иш деб оғриниб эмас, балки ғайрат ва фидойилик билан қабул қилади.

— Бўстонлик туманида, қирғизларнинг катта оиласида туғилиб, вояга етганман, — дейди Кенжагул Жусупбекова. — Оилада 9 фарзанд бўлганмиз, онам ёлғиз боши билан бизни боққани учун уларга ёрдам бериш мақсадида 17 ёшида шу комбинатга ишга келганман. Аввалига ҳамшира бўлишни орзу қилгандим. Бироқ ўқишга киролмагач, конда ишлашга қарор қилдим. Кейинчалик ҳам бундан сира афсусланмадим. Чунки бу соҳа ҳаётимнинг мазмунига айланди. Ҳар куни мароқ билан ишга келаман. Ойлик ололмай қийнал-



ган пайтларимда турмуш ўртоғим, "Тонг сахардан ишга кетасан, сира ишдан қолмайсан, шу ерда ишлаганингда сенга медал беришармиди", дерди. Мен бўлсам, "Ҳа, беришар", деб қўярдим. Лекин ҳеч қачон бирор нарсасида илҳам ҳиссам. Шундай бўлса-да, меҳнатларим эътироф этилиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигида "Меҳнат" ордени, 29 йиллиги арафасида "Шўхрат" медали билан тақдирланганимда ниҳоятда қувондим. Турмуш ўртоғим мендан ҳам кўпроқ суюнди.

Илк фаолиятини кўкун ҳолидаги молибден, вольфрам моддаларини зичловчи сифатида бошлаган қаҳрамонимизнинг юрагидан биринчи иш куни "энди бир умр шу темир-тераскалар ичида ишлайманми", деган ўқинч ўтган экан. Мана, орадан ўттиз йил ўтиб, "яхияшим ўшанда тақдир ўзанлари мени шу ерга, қадрдон цехимга олиб келган экан", дейди. Илк кўнлардан унга тўри йўл кўрсатиб, сабоқ берган Абдумалик Иноғомов, Абдусамад Қаҳҳоров каби жонқуяр, фидойи устозларидан миннатдор бўлади. Ўзи ҳам устоз даражасига етиб, 6 нафар шогирд тайёрлади.

— Энди ишга келганимда, устозларим "молибден 1500 даражада пишса, сен бизнинг ҳароратда пишиб тобла-

нишинг керак", дерди ҳазил аралаш. Қаранг, шу гапларни водород печлари олдида туриб эшитганимга ҳам 30 йилдан ошибди, — дея эслайди Кенжагул опа. — Ҳаёт аталмиш улкан печнинг ҳароратларида тобландик, етилдик, энди қарасам, ўзим ҳам кимнингдир устозига айланибман. Цехга эндигина бўйлаган ёшлар жараёнга кириша олмай турганини кўрганимда, уларда ўзимнинг гўр ёшлигимни кўраман. Биламанки, уларга менинг тажрибам, жараёнларни тушунтиришда билимим керак. Бугун интилувчан, меҳнатдан қочмайдиган шогирдларим борлиги билан ифтихор қиламан. Ёшларни тайёрлаб, уларни шу соҳанинг устасига айлантиришга ҳисса қўшаётганимдан хурсанд бўламан.

Тиниб-тинчимас қаҳрамонимиз асосий ишидан бўш вақтларида бир қанча йўналишлар бўйича кечки курсларда ҳам таълим олган. У бир неча ишни уddалаб кета оладиган қўлигул аёллардан. Шунга қарамай, ҳеч қачон қондан кетишни, бошқа жойда ишлашни ҳаёлига келтирмади. Ойлик маошини ололмаган, оғир ишдан қийналган вақтларида ҳам касбини ўзгартариш ҳақида ўйламади. Доим "дарахт бир жойда кўкаради", деган нақлга амал қилади. Ҳозир ҳам баъзан иш қўлигидан тушлиқ қилишга вақти бўлмайди. Қўрилмага қараб туриш асосида овқатланидиган вақтлари ҳам бўлади. Конда иссиқ печкалар олдида туриб оғир иш қиладиган, катта-катта юкларни кўтарадиган аёлларни кўради. Қаҳрамонимизнинг айтишича, ҳеч бирлари ишидан нолимайди. Аксинча, завқ билан ишлайди. Узоқ йиллар давомида бир оиладек бўлиб кетган қончи аёллар ўзаро сирдош. Қийин кўнларда доим бир-бирини қўллаб-қувватлайди, куч, далда беради.

Дилбар, айни пайтда ўқтам ҳаракатлари ўзига ярашиб турадиган Кенжагул опада ҳам оилада, ҳам касбий фаолиятида тўқисликка эришган одамларда бўладиган ишончнинг пайҳаси қийин эмас. Турмуш ўртоғи билан икки қизни тарбиялаб, турмушга узатган бу инсонлар бугун набиралари қамолни тилаб, дуода.

Шу йилнинг январь ойида 50 ёшни қаршилаган Кенжагул Жусупбековани жамоада барча ҳурмат қилади, қадрлайди. Аёл умрини безаб турган самимийлик, эзгулик, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик унга билдирилган қўллаб-таъкирлар, тилақларда ўз аксини топади.

Ҳар онда шўкроналик ҳисси билан яшаётган қаҳрамонимизнинг залворли меҳнати йиллар давомида уни бахт томон етаклади. Бугун иш жойида яратилган шароитлардан мамнун. Қийин

кўнларини ёдга олганида кўзига ёш келса, ҳозирги имкониятлар, ишчилар учун берилаётган имтиёзлар, дори-ламна қўнларни кўриб, қалби энтикиб кетади. Кимлар ўчундир баландарвоз гапдек тўлоётган бу бослов замирда инсонлар ҳақиқатан бошдан кечирган машаққатли кўнлар ётибди. Буни Кенжагул опа сингари икки даврда ишлаб, ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлган одамлар яхши билади.


"Ҳар кун байрамга боришни истайсанми? Унда ўзинг учун сеvimли касбни танла!". Топиб айтилган бу сўзлар гўё Кенжагул Жусупбекова каби фидойи инсонлар, оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб яшаётган минглаб аёлларимизга аталгандек. Бугун қайсидир соҳада меҳнат қилиб, мамлакат тараққиёти, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган хотин-қизлар, нозик жуссаси ортига яширинган метин бардоши билан ҳаёт сўқмоқларидан мардона таътигдан опа-сингилларимизга ҳар қанча тасанно айтсак оз. Шундай дамда тилимизга бир сўз келади — борингизга шўкр, азиз аёллар!

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ЭЪТИБОР

АЁЛЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАШ БАХТИ

Ватанга, оилага, ҳаётга ва келажакка эҳтиром аёлга, онага эҳтиромдан бошланади. Аёлни асраган эл қудратли, онасини эъозлаган фарзанднинг толеи балинд бўлади. Зеро, дунёдаги жамики буюк зотлар, жаҳонгирлар оқила ва доно оналар, гўзал табиатли аёллар бағрида ўсиб-улғайган. Шу боис, аёлни азалдан муқаддас билиб, унга ҳурмат-иззат кўрсатилган. Аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеърлар дostonлар битилган.



Абира ҲУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси, фалсафа фанлари доктори, "Дўстлик" ордени соҳибаси

Тарихдан маълумки, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Аёлни эъозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос хусусият. Демократия аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи, инсон муаммоси — аёл муаммоси эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қўрилишидаги фаоллигини ошириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий база яратилди. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил давомида ушбу масалада янада чуқур ва изчил ишлорлар амалга оширилмокда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Бугун дунёда кечаётган глобал аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва жараёнлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик кадриятларни қарор топтириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган сай-ҳаракатлар аёллар масаласига ҳам янгича ёндашишни тақозо этади.

Тарихий тараққиётдан маълумки, кишилиқ жамияти ривожининг барча даврларида аёлларнинг ўз ўрни бўлган. Тарихий манбаларда турли хил жараёнларда эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам фаол иштирок этганликлари хусусида маълумотлар бор. Жумладан, Урта Осиё аёлларининг қадимги даврлардаги ижтимоий мавқеи ва уларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги баъзи бир маълумотлар қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих", Страбоннинг "География", Абу Райҳон Берунийнинг "Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк" асарларида учратиш мумкин. Шунингдек, "Авесто"да ҳам аёл, оила, фарзанд тарбияси билан боғлиқ жуда кўп фикрлар учрайди.

Жумладан, Соҳибқирон бобомиз Амир Темури Шарқ аёлларидаги тенгсиз нафосат, матонат ва инсоний фазилатларни ўз вақтида пайкай олган. Шунинг учун ҳам уларга барча имкониятлар яратиб берилган.

Амир Темури давлати идораларини мустаҳкамлашда ва уни бошқаришда, ободонлаштириш, теmурий шахзодаларни тарбиялашда "хотинлардан энг муқаддаси ва баркамолли Катта малика

(Сароймулкхоним)" — Бибихонимнинг хизматлари чексиз бўлган. Соҳибқирон бу оқила аёлга набиралари Шохруҳ Мирзо, Мухаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улугбек Мирзони тарбиялаш вазифасини ишониб топширган.

У ўзининг мафтункор латофати, ёрга садоқати, доно ва ҳозиржавоблиги, чексиз инсоний фазилатларга эга бўлганлиги билан бошқа маликалардан ажралиб турган, шунинг учун ҳам Сароймулкхоним Амир Темурининг самимий ҳурмати, садоқатига сазовор бўлган.

Ризоуддин ибн Фахриддин "Оила" номли асарида аёллар ҳақида шундай ёзади: "Агарда оила кемага ўхшатилса, хотун кеманинг куйруғи ҳуқмида бўлур. Дарёда катта қувватга эга бўлган кема куйруқ ҳаракатида эргашиб юргани каби, мамлакат мисолида бўлган оилаларда оила ичида бўлган хотун ҳаракатида эргашурлар. Хотунлари тарбияли бўлган халқ — тарбияли, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ — тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ — бой, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир".

Оқорида келтирилган баъзи бир манбалардаги фикрларга таяниб айтиш мумкин, аёллар масаласи жамият тараққиётида жуда катта ўрин эгаллайди.

Мустақиллик Ўзбекистон аёлларини жамиятнинг том маънодаги тенг ҳуқуқли аъзосига, жумладан, сиёсат субъектига айлантирди. Шу тугайли аёллар давлат ва жамият бошқарушида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу — Ўзбекистон халқининг, жумладан, аёлларимизнинг тарихий ютуғи. Албатта, бу ютуқ ўз-ўзиндан бўлгани йўқ.

Мустақил Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида "сиёсат — эркакларнинг иши", деган ҳукмрон дунёқарашга барҳам берилди. БМТ томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган "Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"да ифодаланган "Аёллар барча сайловларда эркаклар билан тенг шароитлар асосида, ҳеч бир камситишларсиз овоз бериш ҳуқуқига эга" (1-модда), "Аёллар миллий қонун билан белгиланган, ошқора сайловлардан талаб этидиган барча муассасаларга эркаклар билан тенг шароитлар асосида, ҳеч бир камситишларсиз сайланишлари мумкин" (2-модда), "Аёллар эркаклар билан тенг шароитлар асосида жамоат-давлат хизматида лавозимини эгаллаш ва миллий қонунда белгиланган барча жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга" (3-модда) каби барча талаблар изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилмокда.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш — барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчдир".



8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

“ОППОҚ ДУРРАСИДА ОҚАРАР ТОНГЛАР...”

“Ер суриб, тупроқ ялаб, остонасигача пахта экиб, қора баҳордан кеч кузгача даладан чиқмай рангу рўйи тупроққа ўхшаб кетган, ишлаб бири икки бўлмаган, косаси оқармаган, орзу-умидлари, бахти қатагон бўлган ўзбек деҳқони бошидан қанча зулму заволлари ўтди. Эгатдан инсонни майиб-мажруҳ қиладиган дориларнинг ҳиди анқиб ётар, сассигига чидаб бўлмасди. Ўргимчаккана, шира, кўсак қуртига қарши ишлатилган бу дориларнинг номини Лола худди ўқиган китобларининг номини эслагандай санайди: “Би-58”, “Бутефос”, “Тиодан”, “ДДТ”...”

“Барханларда унган гул” китобидан

Ҳаётимиз давомида кўпинча, икки тоифа инсонлар билан юзма-юз келамиз. Уларнинг биринчи тоифаси меҳнатга, машаққатга, йўқчиликка тоб бермай шон-шухратга интилувчилар, роҳат-фароғатни орзу қилувчилардир. Иккинчиси эса, шон-шухрат, эътибор, фароғатни ҳаёлига ҳам келтирмай меҳнатдан, заҳматдан, ҳалолликдан бахт топадиганлар. Ҳақимиз орасида шуларнинг иккинчисига мансуб — эл дардини елкалаб яшаётган қаҳрамонларнинг борлиги бизнинг чин маънодаги бахтимиз. Бўлмаса, дунё юксалишларга, эврилишларга гувоҳ бўлолмас эди. Ва лекин, биз ҳамиша ҳам бундай оддий инсонларнинг борлигини халққа айтишга, улар билан фахрланишга, асраб-авайлашга, бу каби инсонларнинг ибратли ҳаёти ҳақида асарлар ёзишга ўзимизда куч ва ғайрат топавермаймиз.

Икки йил олдин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адиб ва жамият лойиҳасида Энаҳон опанинг “Барханларда унган гул” деб номланган ҳужжатли лиро-эпик қиссаси chop этилди. Қиссада юксак матонат соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “Нурли обод” фермер хўжалиги бошлиғи Лола Муротова портретига чизилар берилган.

Чизгилар, менинг тасаввуримда — яна бир олтиариқлик қаҳрамон сиймосида минглаб ўзбек аёлларининг орзу-мақсадларига, машаққатли ҳаётидаги фожиавий, оғриқли, қувончли, мўъжизавий лаҳзаларга бойлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Яқин йиллар ичида бундай ҳужжатли лиро-эпик қисса ёзилмаган эди. Китобни ўқиб чиқдим, болалик хотираларим жонланди.

Эсимда... Оёғимдаги резина калишимни ечиб, оёкларим сув кечиб, ҳар ён, ҳар ёнда яшил-сарик рангга кираётган қовун, тарвузларнинг белига чирмашган зарпечакларни, қайта бош кўтарётган ёввойи ўтларни юлиб чиқунимча узун чит кўйлагим лой-қум бўлиб, қуёшнинг иссиғида қуриб кетарди. Отам, “Қизим, шийпонга чиқиб турсанг бўларди, бир оздан кейин ёнимиздаги пахтазорга самолётда дори сепилади”, деб оғохлантирди. Мен аксинча, омондаги самолётни кўриб, унга қўл кўтариб, ортидан чопардим. Ортимга қайтгач, отам мени қойиб, пахта даласида бундай дорилардан заҳрланиб, ранглар бўлиб, қон қусиб оламдан ўтган аёллар, ёш болалар ҳақида сўзлаб берарди. Шейр ёзиш изтиробини юрагимга ана шундай онларда юққан бўлса ажаб эмас.

Ўқиган лавҳаларим таъсирида анчагача ўйланиб қолдим. Кейин Энаҳон опага сим қоқдим: “Устоз, янги китоб муборак бўлсин, қисса билан табриклайман, чин инсон матонати ҳақидаги гузал достон бўлибди. Фарғона водийси гузал шаҳарлари, обод кўчалари, боғдорчилиги, сабзавотчилиги, санъати, адабиёти билан барчамизни ўзига ром этган. Давлатимиз раҳбари ҳам фарғоналикларнинг меҳнатига ўзгача бир юксак ҳурмат билан қарайди. Ана шундай жаннатмакон диёрни барпо этилишида Лола опадек меҳнаткаш, матонатли аёлларнинг заҳмати, хизмати борлигини юртдошларимизга аниқлатдингиз.”

Сухбатимиз гапдан-гапга уланиб, узоқ давом этди. Энаҳон опа Лола Муротова ҳақида янаям тўқиниланиб сўзлади. Ҳали Фарғонага келсангиз сизни қаҳрамонимиз билан таништириб қўяман, учовлон бирга суҳбатлашамиз, шунда сизнинг ҳам у киши ҳақида ёзингиз келиб қолди, деб ичимга ўт экиб қўйди.

Яхши кунларнинг бирида Лола опа билан илк учрашувимиз Фарғонада эмас, балки, пойтахтда бўлиб ўтаётган давлат тадбирининг якунланган вақтига тўғри келди. Энаҳон опа тадбирдан сўнг мени ёнларига чақириб, Лола опа билан таништирди. Опа билан саломлашар эканман, қаддоқ кўлларини тутиб, у киши билан танишувим мени ҳам ҳаяжонлантирганини, ҳам ҳайратлантирганини айтдим. Опа гапимга ҳеч қандай жавоб айтмай, қулиб қўйди. Чунки Лола опа ҳақиқатан содда, тийнатида кибрдан ёки кеккайишдан асар ҳам зоҳир бўлмаган, кўп гапирмайдиган, ўзгаларни тинглаб ҳурматини изҳор қила оладиган, боладай беғубор, қулиб туришлари, қорамағизлиги, ўткирнигоҳлиги ўзига ярашган ҳақиқий миллат Аёли эди.

Мен шу дамда замонамизнинг икки қаҳрамони билан бирга-бирга, бир столда ўтириб чой ичдим. Даласи тушларига кириб, ярим тунда бедор ва маҳзун тонгни кутган ўша матонатли аёл — Лола опанинг кўзларига, юзларига, сочларига, оппоқ дуррасига боққаним сайин унинг ҳақидаги дилгир сатрлар, таърифу тавсифлар бирин-кетин ҳаёлимни олиб қочарди.

Лола опанинг кайфияти байрамона, баланд бўлгани учун чой устида сўроқ-саволга тутмадим. Рост, тортиндим. Сўнгра у киши билан танишувимнинг ўзи ҳам менга бугуннинг катта муқофоти, деб ўзимни юпатдим. Опа эса қутилмаганда мени Олтиариққа тақлиф қилди. Мен албатта, у кишининг шийпонларига боришимни айтдим. Биз қисқа вақт ичида хайрлашдик. Чунки улар тадбирдан кейин Фарғонага қайтаётган эди.



Уйга келиб, жавондан қиссани қўлимга олиб такрор варақладим.

**Қумлар тўзонида
Туз тўзонида
Сочлари оқариб
кетган бу шийпон.
Зулм ситамлари
Утган жонидан,
Йилларнинг фарёди
Тўқилар шифтдан.**

Бу сатрлар Марказий Фарғона чўлларининг қоқ ўртасида жойлашган, тўзонли кунларда, қишлоқ аёлларининг, қишлоқ болаларининг иссиқ-совуқ, яхши-ёмон кунларига гувоҳ бўлган шийпонни ҳамда тун ярмида, ой ёруғида, енг шимариб, пахта эгатларида сув тараб юрган Лола опанинг чўлнинг чатнаган қўюнларида, қум барханларида қабарган яноқларини янаям тиникроқ кўз олдимда гавдалантирди.

**Устунлари иймон ила меҳрдан
Бу шийпон ҳалоллик, шон бекатидир.
Ватан, деб эъзозлаб бошга кўтарган —
Лоланинг муқаддас мамлакатидир.**

Дарҳақиқат, инсон қаерда камолга етса, қаерда меҳр кўрса, қаерда фароғат топса, унга ўша жой муқаддас Ватандир. Лола опа учун том маънода, бу шийпон — муқаддас Ватан. Овоз чиқариб ўқийман:

“... Эгат бошига қўйилган иккита бўш прицепни кўриб, Лолани ҳаяжон босди. Бу прицепларни қачон тўлдирди-ю? Отаси ричагларни ўрнатиб, унга йўл-йўриқ кўрсатди. Лола рўлга ўтирди. Юраги машина овозига қўшилиб гул-гул уради.

Орқасига қарашга юраги бетламайди. Бир бориб келиб қарасаки, бункер тўлибди. Пахтани прицепга ағдарди. Сетка баробар бўлганини кўриб, хурсандчилигидан кўзлари ёшга тўлди...”

Қиссадаги воқеалар ана шундай равон давом этиб кетаверади.

28 ёшида совхоз директориға пора беришда айбланган, тўхматга қолишига бир баҳя қолганда отаси жонига оро кирган, 3-4 центнердан ҳосил берган ерларни 38 центнергача ҳосил берадиган унумдор ерга айлантирган, у даврларда тоғни талқон қилиш билан баробар ишларни амалга оширган Лола опа ўз ерларида 40-50 центнердан бугдой ҳосили йиққан кунларда, қайси фермер унга ҳавас қилмаган дейсиз. Ерни етилтириш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасига тайёр турадиган Лола опага тенглашиш эса амри маҳол. Бунинг учун инсон қалбида ўз ҳаётидан кўра, Ватан тақдирига бўлган масъулият, ишонч устувор бўлиши керак.

Бугун мамлакатимизда янгича қарашлар, ўзгаришлар, уйғонишлар, юксалишлар силсиласи рўй бераётган бир вақтда биз билан замондош, Лола опадек қаҳрамонларимизнинг ҳаёт тажрибалари бизга маънавий мактаб бўлиб сабоқ, руҳий мадад бўлиб сабот беради.

Ҳазрати Алишер Навоий бобомизнинг:

**Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил,**

— деган даъватларини англаган қаҳрамонимиз талатўп замонларнинг қилқўприқларида мардона ўтиб, бугун давлатимиз раҳбарининг, юртдошларининг, қадрдонларининг юксак меҳрига, эътиборига сазовор бўлиб турибди. Бугуннинг кечаги кундан фарқи ҳам шунда-да.

Бизнинг қанчадан-қанча қаҳрамонларимиз ўтган кунларда тириклигида эъзоз кўрмай кетдилар.

Элнинг қизи бўлган замонамиз қаҳрамонининг қалб оламига теран кўз билан боқишимизга кўнглимизда қанчалик меҳр ийса, шунчалик даражада оғриқ ҳам симиллабди. Бу оғриқ жуда-жуда узоқ замонлардан, эл хизматиға умрини бахшида этиб, бог кўқартирган метин иродали момоларимизнинг машаққатли ҳаёти, аччиқ қисматиға ҳамоҳанг. Тўмарис момомизга хос жасорат билан эл ичида ҳурмат топган аёллар кўп. Лекин уларнинг ҳаммаларининг ҳам меҳнатлари юзга чиқавермаган. Зулмлар, ноҳақликлар, адолатсизликларнинг қурбони бўлиб кетган.

Президентимиз Фарғона вилоятиға ташриф буюрган вақтларида устозимиз Энаҳон Сиддиқованинг Лола Муротова ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги иккинчи китоби — “Ватанга бахшида умр” деб номланган ҳужжатли лиро-эпик қисса китобхонлар қўлиға етиб борди.

Фарғонага келган чет эллик меҳмонларнинг аксарияти Лола опанинг шийпониди меҳмон бўлмасдан кетмаслиги, менинг ҳам қалбимда ҳавас уйғотди. Чунки Лола опа оғир синовлардан кейин, бугунги янги Ўзбекистоннинг, ўзининг юксалиш давриға шахдам қадам ташлаган мамлакатнинг юзи, ору номуסי, фахру ифтихори бўлиб эъзоз топмоқда. Бу эса бугун давлатимиз раҳбарининг синчқовлиги, халқ ичида бўлиб, фидойи инсонларни кўриб, уларни чин қалбдан англаб, ардоқлаётгани туфайли юзга чиқмоқда. Президентимиз фарғоналиклар билан ҳамиша яқиндан самимий суҳбат қўрган. Улар билан бўлган суҳбат қалбларини ҳар доим тўқинлантирган. Бу балги учрашув ҳақидаги маърузалари барчамизнинг юрагимизга ўша ҳаяжон ўтини кўчирди.

— Юрагимдаги жўшқин тилагим, жонажон халқимизнинг оғирини енгил қилиш. Биринчи кундан жуда катта ҳаракат, изланишдамиз. Бу қарорлар, фармонлар, мажлислар бекорға эмас. Фарғона аҳли буюк эл. Мана шу халққа муносиб бўлиш ва эртанги кунини фаровон қилиш зиммамиздаги муқаддас бурч. Агар салгина ўзгариб, кичкина қадам ташласак, халқимиз бошиға кўтаряпти, биздан рози бўляпти. Ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, оёғимиз ердан узилмасдан меҳнат қилсак, Фарғонада, албатта, натижа бўлади, — деди Президент.

Ҳа, биз Лола опанинг босиб ўтган оловли ҳаёт йўлидаги жасоратлари ҳақида кўплаб ёзишимиз, ёшларимизга сўзлаб беришимиз, у кишига ўхшаши уларнинг юракларида ишонч уйғотишимиз керак. Уларнинг ҳар бири камда Лола опадек янги Ўзбекистоннинг қаҳрамони бўлиш учун ирода, куч, қаноат топишлари, билим олишлари керак эканлигини, янгича фикр, янгича дунёқараш, янги нафас билан ватанимизга хизмат қилишимиз кераклигини аниқламоғимиз, бу борада, аввало, ўзимиз ҳаётимизда янги саҳифалар очилишимиз керак бўлади.

**Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ЭЪТИРОФ



**Умида ОМОНОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти совриндори**

Болалигимдан шахматга қизиқаман. Кўплаб спорт мусобақалари совриндори ҳам бўлдим. Голиблик шоҳсупасида ҳар гал қалбим фахр ва ғурурга тўлган. Президентимизнинг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорида исм-фамилиямни кўрганимдаги ҳаяжонимни эса сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ватанимизнинг бундай юксак мукофоти совриндорлари қаторида бўлиш ҳар бир қизнинг орзуси.

ОЛИЙ МАҚСАДЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида 266-мактабнинг 8-синфида таҳсил оляпман. Ўзбекистон шахмат федерациясининг Халқаро шахмат академияси спортчи-ўқувчисиман. Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори биз, ёш шахматчилар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб, бор маҳоратимизни намойиш этиш учун катта майдон яратди.

Энди ҳар йили анъанавий тарзда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро шахмат турнири, ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир, шунингдек, шахмат бўйича XVII жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов халқаро турнири, Самарқандда “Соҳибқирон кубоги”, Хивада “Ал-Беруний” халқаро шахмат турнирлари, Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида “Туризм ва шахмат ҳафталиги” ташкил этилиши бизни жуда қувонтирди. Мамлакатимизда бундай нуфузли танловлар ўтказилиши янги истеъдод эгаларини кашф этишда қўл келади ва соғлом рақобат янада кучаяди.

**Интиланганга толе ёр,
деганларидек, мен ҳам
ота-онам ва устозларим
берган сабоқлар орқали
кўплаб ютуқларга
эришдим. 2018 йилда 2
карра жаҳон чемпиони
бўлдим. Шу кунга
қадар эса 10 карра Осиё
чемпиони, 10 карра
Ўзбекистон чемпиони,
деган номга муносиб
қўрилдим. 2018 йилда
“Энг яхши шахматчи”,
деб топилдим. Буларнинг
барчаси Зулфия
номидаги Давлат
мукофотиға лойиқ
тақдиримда асосий
пойдевор бўлди.**

Бугун Ўзбекистон имкониятлар мамлакатига айланди. Ёшлар ташаббуслари, интилишлари ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Ўз навбатида, юртимиз йилит-қизлари илғор фикрлаши, ватанпарварлиги, ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан намуна бўляпти. Бизга билдирилган юксак ишонч эса янада олий мақсадлар сари чорлайди, фидойиликка ундайди.

ДИЛ ИЗҲОРИ



**Дилдора ИМОМОВА,
Жиззах политехника
институты талабаси,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори**

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари қаторида ўз исмимни кўриб, юртимизда Президентимиз раҳбарлигида “Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди!” шиори остида амалга оширилаётган хайрли ишлар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар бардавонлигимга, давлат сиёсати даражасига кўтарилганига амин бўлдим.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бўлмасам-чи, мендайн оддий, чекка қишлоқда туғилиб вояга етган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини энди гина татиб кўраётган қизнинг кичик ва камтарона меҳнатни шахсан Президентимиз томонидан эътироф этилганини қандай сўзлар билан ифодалаш мумкин?!

Бундан тўрт йил муқаддам Жиззах давлат педагогика институтининг архитектура ва қурилиш факультети талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Бу борада мактабда, коллежда олган билимларим, устозларим берган сабоқ ва ўғитлар, она тили билан бир қаторда рус, инглиз тилларини чуқур ўрганганим қўл келди.

Олийгоҳда эса ўзлимимни намоён этиш учун имкониятлар янада кенг эканини англаб етдим. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи стипендиати, “Йил талабаси”, “Зукко китобхон”, “Йилнинг энг яхши волонтери” каби кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этдим. Ишланмаларим Украина, Польшада пандемия сабаб онлайн кўринишда ташкил этилган халқаро илмий амалий анжуманларнинг дипломларига муносиб қўрилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларимизнинг биринчи галдаги вазифаси чуқур билим олиш бўлиши керак,

Президентимиз қарорида биз “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, ўз гоё ва ташаббусларини илгари сураётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган” ёшлар сифатида қайид қилиб ўтилдик. Ушбу эътироф биз, ёшларга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу билан бирга, бундан кейинги ҳаётимиз ва фаолиятимизда зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

Буробия РАЖАБОВА,
ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, “Дўстлик” ордени соҳибаси

Навоий ижодидаги бир қатор тарихий-бадиий образлар, жумладан, Аланқува, Золи зар, Ҳалима она, Билқиси соний — Хадичабегим тимсоллари ўзбек адабиётшунослигида муайян даражада таҳлил этилган.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” таъкира-сида 770 нафар шайх, ориф инсон ҳақида фикр битилган, шулардан Шайх Мўмин Шерозий, Шайх Абдулқодир Жилий, Пахлавон Маҳмуд, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф ҳаёти, қаромати мисолида қатор оналар образи тасвирланган. Улар орқали улуг шoirнинг тарбия, танбех, оғохлантиришларидан воқиф бўламиз. Онага ҳурмат, таъзим, мулозамат ҳар бир замонда, маконда, ҳар бир миллатда гўзал бир қадрият эканини англаймиз.

Асарда биз таҳлилга олган шайхлар ҳақи-даги ҳикоятлардан Шайх Мўмин Шерозий ва Пахлавон Маҳмуд билан боғлиқ ҳикоятда зикр қилинган оналар исми кўрсатилмаган. Шайх Абдулқодир Жилий ҳикоятда унинг онаси “Ва оналари Уммулхайр Аҳмадулжаббор Фотима бинти Абу Абдуллоҳ”, деб тўлиқ таништири-лади. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф онаси Умми Муҳаммадия эса ўттиз беш аёл шайх қатори-да қайд қилинган сабаб унинг исми айтади. Асарда ўттиз беш аёл шайх ҳақида алоҳида қисм бўлиб, уларнинг ҳар бири исми, насаби билан тилга олинади. Шайх аёллардан Биби Мунажжимани Навоий “Мажолис ун-нафоис”-нинг 6-мажлисида ҳам ўз исми билан эслата-ди, яъни “Хожа Алоуддин — Қирмон мулкидин. Хожа Афзалиддин Муҳаммадқа қаробатдур ва Бибица Мунажжиманинг инисидур”.

Шайх Мўмин Шерозий ҳақида ҳикоят жуда қисқа, чунки “Навоий ҳар бир тасаввуф арбоби ҳақида маълумот берар экан, маълумотнинг лўнда, мухтасар бўлишига интилади”. “Шайх ул-ислом дебдурки: “Исмоил Даббос дедиким: “Ҳаж нияти қилиб борурда Шерозга етишдим. Бир масжидқа кирдим. Шайх Мўминни кўрдим-ки, ўлтуруб хирқасин ямайдур эрди. Салом қилдим ва ўлтурдим. Мендин сўрдиким: “Не ниятинг бор?” Дедим: “Ҳаж ниятим бор”. Деди: “Онанг бор?” Дедим: “Бор!” Деди: “Ёниб онанг мулозаматиға бор!” Бу сўз менга хуш келмас эрди. Деди: “Не тўлганасен? Мен эллик ҳаж қи-либмен, бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳ-сиз. Барчасин сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!”

Ҳикоятнинг мазмун-мундарижасида, гоёсида она розилиги, она кўнгли шодлиги билан боғлиқ бутун нозик масалалар ёритилган. Навоий китобхона оналар ҳақи-хурматини, розилик да-ражаси ҳатто исломнинг фарз амалларидан бири бўлган ҳаж орқали топан савобнинг дара-жасидан ҳам юксалигини, жаннатга борадиган йўллар она шодлиги, она рисо-си билан туташ эканини уқтирмақда. Ҳикоят композициясида диалог усули, яъни Шайх Мўмин Шерозий ва Исмоил Даббос орасида бўлган сўхбат-савол-жавоб асосий ўрин тутати. Бу эса, биринчидан, китобхона воқеаларни осонгина эслаб қоли-шига ёрдам берса, иккинчидан, ҳикоятда вақт, ўрин, ҳаракат бирлиги ягона мақсадга — Она



мулозаматиға, она розилигига қаратилади. Шайхнинг Исмоил Даббосни ҳаждан қайтариши ўқувчида тушқун кайфият уйғотмайди. Аксинча, бунга “Барчасини сенга бердим. Сен она кўн-гли шодлигин менга бер!” деган шайхнинг ички рухиятини очувчи танбехи яна уйд беради. Шайхнинг бу танбехи насрда бўлса-да, дидактик шеърятнинг гўзал намунаси-дир. Сабаби, асрлар давомида у: “Сен она кўнгли шодлигин менга бер!” деган хитоби билан гўё миллионлаб қалбларни таълим-тарбияга чорлаб турибди.

Навоий она дийдорининг лаззати, она муло-заматининг завқи ва талаби, она розилигининг барокотидан фарзанд не бало-қазолардан эм-кин ва омонда бўлиши ҳақида бошқа асарла-рида ҳам фикр юритади. Жумладан, “Сади Искандарий” дostonида Искандарнинг ўлими олди-дан ўз хатоларини англаб, ўзини “озурдае” деб билиб, онасига ёзган: “Ки...Мендинки, йўқ мендек озурдае”, деб бошланувчи машҳур ва-сият мактубида жуда таъсирли, ибратли қилиб тасвирлайди:

Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди куллуқ санга.
Санга айлабон хоки дароҳлиқ,
Анинг отин этсам эрди шоҳлиқ.
Ул иқболима чарх бўлди ҳасуд,
Улар чоғда ўлтурсам ўзни не суд?
Ризонг ўлмаса қунлулма ғамзудой,
Бу дармондага вою юз қатла вой!

Айниқса, аллитерация воситасида ўғуллуқ, куллуқ, дароҳлиқ, шоҳлиқ сўзларидаги оханг-дош сўзларнинг қайтарилиши, тақрир санъати ёрдамида бир мисрада “вой” сўзининг такро-рланиши, шоҳ Искандарнинг она мулозаматида, она розилигига ожизлик қилгани шоҳлиқ даври-да энг катта “йўқотиш” эканини афсус-надо-матлар билан англаши кўз ўнгимизда намоён бўлади.

“Ростлиқ — халослиқ”, ростлиқ ва тўғрилиқ фойзидан кўп фойда ҳаида ёруғлиқлар кўриш каби гоёларни улуг Навоий ўз ижодида мароқ билан шарҳлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, “Ҳайрат ул-аброр” дostonининг ўнинчи мақоло-тини “Ростлиқ таърифидаким” деб номлайди ва дадиллик билан, “Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси, Қажрав эса чарх не андешаси”, деган маъноли мисрлар билан бошлайди. “Насойим ул-муҳаббат”нинг Шайх Абдулқодир Жилий ҳа-қидаги маълумотда, “фақат ва фақат ростлиқни дейсан”, “ҳар қандай ҳолатда ростлиқ, тўғрилиқ йўлин тутасан”, деб ўғлидан аҳд олган жасо-ратли Уммулхайр она образи тасвирланади. “...Онам қошига келдим ва дедимки: “Мени Тенгри ишиға қил ва ижозат берки, Бағдодқа бораи ва илме касб қилай ва солихларни зиёрат қилай.

Мендин бу доия сабабин сўрди, айттим. Эрса, йиғлади. Ва кўпти ва саксон олтун келтурди. Ва дедик: “Менга ота меросидин бу қолибдур”. Яримин қардошим учун қўйди ва яримин менинг тўнумға тикди ва манга сафар изни қилди. Ва манга аҳд бердики, барча аҳволда ростлиқ қил ва менинг видоёмига чиқди. Ва дедик: “Бор, эй фарзанд, Тенгри учун сендин кесилдим ва қи-матқача сени кўрмагумдир. Мен оз қофила била Бағдодқа таважжўх қилдим”. Карвон Ҳамадон-дан ўтганда, олтмиш отлиқ йўлтўсар — зўравон чиқиб, карвонни талайди. Боладан ҳам “Ниманг бор?” деб сўрашганида, “Қирқ олтиним бор”, — деб жавоб беради. Боланинг жавобига ҳай-рон бўлиб, қайта-қайта сўрашганда ҳам у қирқ олтини борлигини айтаверади. Тўнини сўкиб, қирқ олтинни топадилар ва ҳайрон бўлишиб, Абдулқодирдан сўрайдилар: “Сўрдики, сенинг бу эътироф қилурға боисинг не эрди? Дедимки: “Онам манга аҳд бериб эрди — сидку ростлиқ-қа! Ва мен анинг аҳдига хиёнат қилмам”. Бас, ул қавмининг улуги йиғлади ва дедик: “Йил-лардурки, мен Парвардигорим аҳдига хиёнат қилибмен”. Ва қиладургон ишидин менинг илги-гимда тавба қилди”. Ростлиқнинг кучи-қуввати билан улар илк тавбани қилиб, карвон аҳлидан нима олишган бўлса, эъларига қайтаришади. Она-боланинг оғзаки шаклдаги аҳди, эътиқоди, сидку садоқати, ростлиқ шарофати тўғрйли карвон Бағдод шаҳрига соғ-саломат етиб бора-ди. Абдулқодир мунтазам таҳсил билан шуғул-ланиб, ун уч фанни мукамал эгаллайди ҳамда Қўршон қироати, фикҳ, ҳадис илмининг ҳам етук билимдонига айланади. Ростлиқни ўз тариқа-тининг илк тавбаси — асоси деб билиб, жаҳон шайхларига насиб бўлмаган файзу қароматлар соҳиби бўлиб қолади.

“Ҳайрат ул-аброр”дан олинган қуйидаги байтда ҳам шoir ростлиқни англаган, ростлиқ-ни ўзига аҳду пеша қилган киши давроннинг офат-қаршиликларидан, каму кўстликларидан доимо омонда бўлишни эслатмоқда:

Қимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтурур иши ғайри каму кўстлиқ.

Бу ўринда Навоий *рост-ёлгон, тўғри-зе-ри* каби аъъанавий тазодлардан эмас, балки



навоиёна услуб билан яратилган, қофия асо-сига қурилган “*ростлиқ-кўстлиқ*” контекстуал тазодидан фойдаланганини эслаш керакка ўхшайди. Бу тазод фақат улуг ижодкорнинг топилимаси, маҳорат маҳсулидир.

Энди фикрларимизни Навоий ўз асарида “ку-рашчиликда саромад бўлиб азим шухрат тутган”, деб қадрлаган шoir, хунарманд Пахлавон Мах-муд ҳақидаги фикрлар билан давом эттирсак. Навоий унинг Ҳинд мулкида ташкил қилинган “кураш маъракаси”да жисмонан мағлуб бўлса-да, нафси устидан ғолиб чиққани билан боғлиқ бир неча саргузаштларини — воқеалар тадри-жини маҳорат билан баён қилади. Ҳиндистон шоҳи бир заргар орқали Пахлавонни ўз юртига таклиф қилади. Таклифдан мақсад шоҳ ўзининг курашчиси билан Пахлавон Маҳмудни ҳалойиқ олдида кураш тушириш эдики, бу — биринчи саргузашт воқеа. Пахлавон Маҳмуд Ҳиндистон-га боради ва ўз одатига кўра, кураш олдидан му-сулмонлар мазорини зиёрат қилади. Кўрадики,



бир муштипар она бир авлиё мазорида “Худоё, бу келган Пахлавон кураши маъракаси-дин ме-нинг ўғлуمنى шарманда чиқармагасен”, деб Тангрига бутун вуҷуди билан ёлвориб муножот қиларди. Онанинг бу ҳолати ички портрети ҳам-дир. Пахлавон Маҳмуд у шоҳ курашчисининг онаси эканини фаҳмлайди ва ўз-ўзига курашда мағлуб бўлишни ваъдаю қарз қиладики, бу — ик-кинчи воқеа. Эртаси куни подшоҳ ташкил қилган жаҳон курашида Пахлавон Ҳинд шоҳи полвони билан майдонга тушади. У ўз ваъдаю қарзида собит — мустаҳкам туриб, бир-икки усул қил-гандай бўлади-да, атайин йиқилиб беради. Шу дақиқаларда кўзи осмонда фаришталар жилва-сини кўрадики, бу — учинчи воқеа.

Муштипар онанинг Аллоҳга қилган муножоти учун ўзидан куч ва малака жиҳатидан анча паст курашчига атайин мағлуб бўлиб, ваъдаю қарзни бажаради. Она хурсандчилигини, ис-так-талабини ўзининг полвонлик шаънидан, ғолиблик наъшидасидан устун қўя олган, ўз нафсига ҳоким бўла олган Пахлавон Маҳмуд-ни осмон фаришталари ҳам, улуг Навоий ҳам шарафлайди, тан беради. Пахлавон Маҳмуд-нинг кейинги саргузашт тўртинчи воқеа — шоҳ ташкил қилган овда бўлиб ўтади. Овдаги воқеа ҳайратларга тўла. Пахлавон Маҳмуд ов жараё-нида оти билан қулаётган соҳни ушлаб, ўлим-дан сақлаб қолади. Подшоҳ ҳам ҳайратланиб, ҳам ажабланиб, унга савол беради: “... мунча муфрит (ҳаддан ташқари — Б.Р.) куч била ажаб эрдик, ул курашчидин йиқилдинг?” Пахлавон Маҳмуд шоҳ саволига ўзининг ички руҳий ола-мини ёрқин акс эттирган турмаёно рубоийлари-дан бири билан жавоб беради:

Ўз нафсинга ҳоким бўлсанг, мардсан,
Ҳотирлаб туришдан гапирсанг, мардсан.
Йиқилганин тепиб ўтши мардлик эмас,
Йиқилганин қўлидан тутсанг, мардсан!

Бу жавобни бешинчи воқеа дейишимиз мум-кин. Даҳо Навоий “Подшоҳ кўп ниёзмандлиқлар кўргузуб, Пахлавон қайтиб Хевақ(Хива)қа ке-лур”, деган насрға хос эпикол билан бу хотима қисмда саргузашт воқеалар хайрли якун топан-ини билдиради. Шу ўринда ўз даври полвони Пахлавон Муҳаммадни эпиколдан уринли фой-даланиб, эслаб ўтишни ҳам унутмайди: “Пах-лавон Маҳмуддин сўнгра Пахлавон Муҳаммад Абусаид ҳам ўз замонининг бенезири эрди” каби эслатмасида ҳар иккала машҳур полвон-нинг ботиний дунёсини кўрсатувчи умумий фа-зилат — бенезирлиқни Навоий дунёда кам то-пиладиган ноёб ҳислат сифатида ҳикмат тили билан алоҳида улғуллади.

Пахлавон Маҳмуд ҳақидаги бошқа маълумот-ларда эса у ниёзмандлиқлар эвазига мингдан ортиқ хоразмлик асирини озод қилишни Ҳинд подшоҳидан сўраган. Шоҳ ҳам уни ўзининг ха-лоскори деб билиб, Пахлавон Маҳмуд талабини тўла бажарган. Хулоса шуки, Пахлавон Маҳмуд ўз нафсини қурбон қилади. Бу ҳолатида ўз наф-сининг зиёнини, мақрини билишида, сазъ-ғай-рат кўрсатишида Ҳинд курашчиси онасининг муножоти сабаб бўлди, дея оламиз. У ўз наф-сини бир енгиб, оқибатда заифа онанинг, ўзидан заифроқ курашчининг, шоҳнинг, минглаб асир-ларнинг қисмати, кўнглини шоду обод қилган озодмард, ҳаттоки осмон фаришталарини рози қилган жавонмарддир. У Хоразм, Ҳиндистон, Эрон заминни яна бир бор ўзининг овозаси билан тўлдирган одамларнинг яхшисидир. Бу ўринда Румий ҳазратларининг “Одамларнинг яхшиси — одамларга фойдаси тегадиганидир”, деган машҳур ҳикматини эслаш жоиздир.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафифнинг волидаси Умми

“Насойим ул-муҳаббат”да мактабдор аёл образини учратиш ҳам жуда завқли. Ансорий Ҳиравий тўрт ёшида Ҳиротдаги бир хотин мактабида ўқиб, сабоқ чиқарганини хотирлайди. Бу хотирага таяниб, ўтмишда ҳам фарзандларнинг саводли, маърифатли бўлишида мактабдор аёлларнинг — оналарнинг ўрни борлиги бизни қувонтиради.

Муҳаммадия она ҳақида ҳам ажойиб сюжетга асосланган бир лавҳани китобхон таҳлилига ҳавола қилади. “Ўғли Абу Абдуллоҳ Ҳафиф била баҳр йўлидин ҳажга борди. Ва анга му-қошафоту мужоҳадоҳ кўп экандур. Деларки, Шайх Рамазоннинг сўнгги ушрида эҳёё қилур эрдик, Лайлат ул-қадрга мушарраф бўлгай. Томга чиқиб эрди ва намоз қилур эрди. Ва она-си Умми Муҳаммадия уй ичида. Ҳақ субҳонаху таолоға мутаважжиж ўлтуруб эрди. Ногоҳ Лай-лат ул-қадр анвори анга зоҳир бўла бошлади. Ун чикардики: “Эй Муҳаммад, эй фарзанд, улча сен анда тилайсен, мундадур!” Шайх тушти ва анворни кўрди. Ва онаси аёғига туш-ти, андин сўнг Шайх айтур эрдик, ул вақтдин сўнгра онам қадрин билдим”.

Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф осмон остида, тўрт томони очик том устида Қуръони карим но-зил бўлган фазилатли кечанинг ибодатини қил-са-да, нима учун Нур ўзини унга кўрсатмайд-ю, уй ичида ўтирган онасига ўзини ошкор қилди, уни излаб топди. Шу дамда ҳам она хайр ва барокат кечасининг манфаатларини ўғлига илинари экан: “Эй Муҳаммад, эй фарзанд, улча сен анда ти-лайсен, мундадир!” деб қақиради. Бу қақирда онанинг ўғли учун ажиб бир таъсирли — “бошқа бундай қилинмасин” — насиҳати, танбехи ҳам бор. Бу ҳолат онанинг ички портретини ҳам кўр-сатади. Бу ота-она ҳурматиани сақлашнинг ҳалқ орасида мавжуд бўлган бир одоби, яъни улар ўтирган уйнинг томи устида ўтирмаслик ҳақи-даги ўғитдир. Ўғли намоз ўқиб, чиройли суратда ибодат қилишга интилса-да, одообида онага нис-батан ҳамдардлик, ҳамсўхбатлик яхши суръатда кечмайди. Шайхнинг ички портрети, “онам қад-рин билдим”, деган тавбаю икромиди очилади. Бу билан улуг Навоий ўзини, китобхонни дунёда онани рози қилишдек мақбул ва марғуб амал, ибодат йўқлигига яна бир бор ишонтиради.

Воқеалар ривожиди она ва ўғлига қиёсий характеристика беришда, ният, фикр, ибодат-ларини англашда антитеза усули очик, яши-рин шаклда қўлланган. Бир томондан, хоти-мада, она-бола толган омонлик, саломатлик, тинчлик кўрсатилса, иккинчи томондан, “Қадр кечаси бир кечадир, лекин минг ойдан яхши-роқдир” ҳикмати яширин талмех воситасида эслатилади. Учунчидан эса бу кечада фар-занднинг она қадрини тушуниши баробарида ўзини англаш бахтига муяссар бўлганлиги шайхни ҳам, онани ҳам, китобхонни ҳам бир-дек қувонтиради.

“Насойим ул-муҳаббат”да мактабдор аёл образини учратиш ҳам жуда завқли. Ансорий Ҳиравий тўрт ёшида Ҳиротдаги бир хотин мак-табида ўқиб, сабоқ чиқарганини хотирлайди. Бу хотирага таяниб, ўтмишда ҳам фарзандлар-нинг саводли, маърифатли бўлишида мактаб-дор аёлларнинг — оналарнинг ўрни борлиги бизни қувонтиради.

Асарда фарзандлари — қизлари ҳақида оталарнинг дуоси, илтижоси, меҳри, энг яхши тилаклари муайян ҳадис — воқеа билан Шайх Абдуллоҳ Муборак тимсолида кўрсатилади: “Шайх Абдуллоҳ Муборакдан: “Эй шайх, уч қи-зинг қолдлар ва ҳеч нима қолмади, алар фик-рин не қилдинг?” деб сўрашганида, у, “...мен алар ҳадисин дебмен: “Солиҳ бандаларга ёр бўлур”, дея жавоб беради.

Айтиш мумкинки, “Насойим ул-муҳаббат” таъ-кирасида битилган ҳикоятлардаги оналар обра-зи буюк Навоийнинг идеал қаҳрамонларининг тимсолидир. Чунки бу оналар образида умум-башарий фазилатлар, энг илгор диний-дунёвий, маърифий, ахлоқий-таълимий қарашлар мужас-самлашган. Демак, бу образлар ҳамма замон-ларда катта ижтимоий-тарбиявий, маърифий ва эстетик аҳамиятга эга бўлиб қолади.